

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИДА ЖАМОАТ ТАРТИБИНИ САҚЛАШ ВА ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ФАОЛИЯТИНИНГ БУГУНГИ ҲОЛАТИ

Сайитназаров Баходиржон Шарифжонович

ИИБ Академияси Магистратура тингловчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20664753>

Аннотация: Мазкур мақолада Сирдарё вилоятида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш фаолиятининг бугунги ҳолати криминологик, демографик ва ҳудудий хусусиятлар асосида таҳлил қилинган. Вилоятнинг транзит мақоми, урбанизация жараёнлари, аҳоли таркиби ва хавф гуруҳлари билан ишлаш тизими ўрганилган. Шунингдек, мақолада “Хавфсиз маҳалла” концепцияси ва “маҳалла еттилиги” тизимининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликни табақалаштирилган ҳолда бошқаришдаги ўрни ва аҳамияти илмий-амалий жиҳатдан очиб берилган.

Калит сўзлар: Сирдарё вилояти, жамоат тартиби, хавфсизлик, криминологик таҳлил, транзит ҳудуд, демография, хавфсиз маҳалла, маҳалла еттилиги, профилактика, хавф гуруҳи.

Аннотация: В данной статье анализируется текущее состояние деятельности по охране общественного порядка и обеспечению безопасности в Сырдарьинской области на основе криминологических, демографических и территориальных особенностей. Изучены транзитный статус региона, процессы урбанизации, состав населения и система работы с группами риска. Также в статье с научно-практической точки зрения раскрываются роль и значение концепции "Безопасная махалля" и системы "махаллинской семерки" в обеспечении общественной безопасности, дифференцированном управлении преступностью.

Ключевые слова: Сырдарьинская область, общественный порядок, безопасность, криминологический анализ, транзитная территория, демография, безопасная махалля, махаллинская семерка, профилактика, группа риска.

Abstract: This article analyzes the current state of public order protection and security activities in the Syrdarya region based on criminological, demographic, and territorial characteristics. The region's transit status, urbanization processes, population composition, and the system for working with risk groups were studied. The article also reveals the role and significance of the "Safe Mahalla" concept and the "mahalla seven" system in ensuring public safety and differentiated crime management from a scientific and practical perspective.

Keywords: Syrdarya region, public order, security, criminological analysis, transit zone, demography, safe mahalla, mahalla seven, prevention, risk group.

Мамлакатимизда Янги Ўзбекистонни барпо этиш шароитида инсон қадрини улуғлаш, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини, энг аввало, тинч ва хавфсиз ҳаёт кечиришга бўлган ҳуқуқини кафолатлаш давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бирига айланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек: **“Халқимизнинг тинчлиги ва осойишталигини, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш – барча ислохотларимизнинг мустаҳкам заминидир. Бизнинг асосий мақсадимиз ҳуқуқбузарликларнинг оқибати билан курашиш эмас, балки уларнинг сабаб ва шарт-шароитларини барвақт аниқлаб, жойларда, айниқса, маҳаллаларда жиноятчиликнинг олдини олишдан иборат бўлиши керак”**¹. Бундай юксак талаблар ва умумдавлат миқёсидаги вазифалар, ўз навбатида, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва илмий-тадқиқотчилар олдида ҳудудлардаги криминоген вазиятни илмий асосда таҳлил қилиш ҳамда манзилли профилактика чораларини ишлаб чиқиш вазифасини қўймоқда.

Жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш фаолиятининг самарадорлиги ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос ижтимоий-демографик, ҳудудий ва криминоген хусусиятларини чуқур ўрганишни тақозо этади. Криминологик фанда эътироф этилганидек, ҳудуднинг ўзига хос хусусиятлари ва демографик маълумотларини ўрганиш жиноятчиликни таҳлил қилишда муҳим аҳамият касб этади². Зеро, ҳудуднинг географик жойлашуви, аҳоли таркиби ва ижтимоий инфратузилмаси криминоген вазиятни шакллантирувчи асосий омиллар сирасига киради.

Ушбу тадқиқотнинг мақсади Сирдарё вилоятининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, ундаги жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш фаолиятининг бугунги ҳолатини криминологик таҳлил асосида ёритиб беришдан иборат. Бунда вилоятнинг криминоген вазияти илмий асосда ўрганилиб, унинг асосида манзилли профилактик чора-тадбирлар учун замин яратилади. Тадқиқот вилоятнинг демографик-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг ички ишлар органлари ходимлари билан жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишидаги нутқи // "Халқ сўзи" газетаси, 2021 йил 12 февраль. Шунингдек, қаранг: Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: "Ўзбекистон" нашриёти, 2021. – Б. 175-176.

² Сирдарё вилоятида жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш фаолиятини ташкил этиш методикаси: Методик қўлланма / С.Б. Джаббаров, Б.А. Ражабов, Т.Р. Кучкаров ва бошқ. Масъул муҳаррир: Р.А. Хатамов. – Т.: ЎзР ИИБ Академияси, 2024. – 1.1-§.



худудий ўзига хослиги, жамоат тартибини сақлашнинг ташкилий хусусиятлари, жиноятчилик аҳволи ва криминоген вазияти йўналишлари бўйича изчил равишда амалга оширилади. Бу эса, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган “Хавфсиз маҳалла” концепцияси ва қонунбузарликларга қарши мурасасизлик тамойилларини айнан Сирдарё вилояти мисолида амалиётга самарали татбиқ этишнинг илмий-назарий ечимларини топишга хизмат қилади.

Сирдарё вилоятининг худудий, географик ва транзит хусусиятлари ҳамда демографик ҳолати ундаги криминоген вазиятни белгиловчи ўзак омиллардир. 1963 йил 16 февралда ташкил этилган, умумий майдони 4276,2 квадрат километр бўлган ва Гулистон шаҳри маъмурий марказ ҳисобланган мазкур вилоят ўзининг ўзига хос географик жойлашуви билан ажралиб туради³. Вилоят Ўзбекистоннинг қоқ марказий қисмида жойлашиб, пойтахт Тошкентни республиканинг жанубий вилоятлари ҳамда Фарғона водийси билан боғловчи муҳим ва стратегик транзит йўлаги вазифасини ўтайди. Худуднинг яна бир мураккаб жиҳати унинг чегаралари билан боғлиқ бўлиб, вилоят Қозоғистон (133,7 км) ва Тожикистон (59,6 км) республикалари, шунингдек, ички минтақалар – Жиззах (118,9 км) ва Тошкент (144,8 км) вилоятлари билан бевосита чегарадошдир⁴.

Бундай транзит мақоми ва чегараолди жойлашув худудда нафақат маҳаллий аҳоли, балки катта миқдордаги ўтқинчи йўловчилар, меҳнат мигрантлари ва халқаро юк оқимларининг узлуксиз ҳаракатини юзага келтиради. Натижада, вилоятда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш тизими фақатгина анъанавий маҳаллий криминоген муҳитни назорат қилиш билан чекланиб қолмайди. Ички ишлар ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар зиммасига йўл-транспорт хавфсизлигини юқори даражада таъминлаш, трансчегаравий жиноятлар, хусусан, контрабанда ва одам савдосига қарши курашиш, шунингдек, чегараолди худудларида ижтимоий-сиёсий барқарорликни сақлаш каби кенг қамровли вазифалар юклатилади.

Худуддаги ижтимоий-иқтисодий вазият ва демографик кўрсаткичлар ҳам криминологик таҳлилнинг муҳим таркибий қисми саналади. Асосан қишлоқ хўжалигига ихтисослашган вилоят иқтисодиёти сўнгги йилларда сезиларли трансформацияга учрамоқда. Хусусан, Гулистон, Ширин ва Янгиер каби шаҳарларда урбанизация жараёнларининг тезлашиши ҳамда

³ [https://uz.wikipedia.org/wiki/Sirdaryo_\(viloyat\)](https://uz.wikipedia.org/wiki/Sirdaryo_(viloyat))

⁴ Сирдарё вилояти тарихи: Монография. Тузувчилар: Эрбўтаева Ў.С., Ўрмонов Ҳ.Б., Турсинкулов Н.А. – Гулистон: ГулДУ, 2020. – 416-б.



саноат тармоқларининг ривожланиши вилоят ичида аҳоли миграциясининг фаоллашувига, шунга мос равишда янги ижтимоий муносабатларнинг юзага келишига олиб келди. Бугунги кунда вилоятнинг жами аҳолиси 909 700 нафарни ташкил этиб, шундан эркаклар (456 900 нафар) ва аёллар (452 800 нафар) нисбати қарийб тенг тақсимланган. Миллий таркиб нуқтаи назаридан вилоят кўп миллатли ҳудуд бўлиб, аҳолининг 79,6 фоизини ўзбеклар, 9,3 фоизини тожиклар, 2,5 фоизини руслар, 1,4 фоизини қozoқлар, 0,1 фоизини қорақалпоқлар ва 7,1 фоизини бошқа миллат вакиллари ташкил этади⁵. Аҳолининг ёш таркибига эътибор қаратсак, вояга етмаганлар сони 298 900 нафарни, 18–30 ёшдагилар эса 189 100 нафарни ташкил этиши маълум бўлади. Ёшлар ва вояга етмаганлар қатламининг бу қадар юқори салмоққа эгалиги профилактик ишларни, энг аввало, ушбу ижтимоий гуруҳларга йўналтириш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш ва бандлигини таъминлаш заруратини кун тартибига чиқаради.

Шу билан бирга, жамоат тартибини сақлаш фаолиятини тўғри ва манзилли режалаштиришда “хавф гуруҳи”га кирувчи шахслар билан ишлаш марказий ўрин тутди. Статистик маълумотларга кўра, вилоятда 34 657 нафар ишсизлар рўйхатга олинган бўлиб, бандлик даражаси билан боғлиқ муаммолар мулкӣ ва маиший жиноятларнинг эҳтимолий ортишига замин яратиши мумкин. Бундан ташқари, ички ишлар органларида профилактик ҳисобда турган 5 118 нафар, маъмурий назоратга олинган 235 нафар, ичкиликка ружу қўйган 1 843 нафар, тажовузкор руҳий касалликка чалинган 63 нафар ва гиёҳванд моддаларга қарам бўлган 34 нафар фуқаролар билан мунтазам ҳамда якка тартибда профилактик тадбирларни амалга ошириш талаб этилади.⁶ Бу тоифадаги фуқароларнинг хатти-ҳаракатларини назорат қилиш ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишда энг муҳим босқичдир.

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш бевосита ҳудуднинг ижтимоий инфратузилмаси билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Вилоятда жойлашган 1823 та кўп қаватли уй, 314 та саноат корхонаси ва микрофирмалар, 78 та умумий овқатланиш мажмуаси, 45 та тўйхона, 16 та бозор, 14 та меҳмонхона ва 1737 та турли таълим муассасалари (мактабгача таълим, мактаблар, касб-хунар масканлари) кундалик ҳаёт қайнайди, одамлар гавжум бўладиган асосий марказлар ҳисобланади. Бундай жамоат жойлари ва оммавий

⁵ [https://uz.wikipedia.org/wiki/Sirdaryo_\(viloyat\)](https://uz.wikipedia.org/wiki/Sirdaryo_(viloyat))

⁶ Сирдарё вилоят ИИБ Жамоат хавфсизлиги хизматининг маълумотномаси.



тадбирлар ўтказиладиган масканларнинг кўплиги турли ҳуқуқбузарликлар (безорилик, ўғирлик, жамоат тартибини бузиш) содир этилиши эҳтимолини оширади. Табиийки, бундай инфратузилма жамоат тартибини сақлаш хизматлари, жумладан, патруль-пост ва профилактика хизматларининг иш ҳажмини ва масъулиятини сезиларли даражада ошириб, ҳудудда куч ва воситаларни тўғри тақсимлашни тақозо этади.

Сирдарё вилоятида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш фаолияти ҳудуднинг маъмурий-тузилишига, яъни мавжуд 8 та туман, 3 та шаҳар ҳамда 239 та маҳалла фуқаролар йиғини инфратузилмасига мос равишда ташкил этилган⁷. Бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг мантиқий давоми сифатида, айнан маҳалла даражаси жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш бўйича профилактик фаолиятнинг энг қуйи ва ҳал қилувчи бўғинига айланди. Вилоятда жамоат тартибини сақлашнинг ташкилий ўзига хослигини белгилаб берувчи асосий механизмлар муайян тизимга солинган бўлиб, улар ҳудуднинг криминоген манзарасини бошқаришда муҳим ўрин тутди.

Биринчи навбатда, тоифалаш тизими маҳаллий даражадаги профилактиканинг ўзагини ташкил этади. Маҳаллаларни криминоген ҳолатига кўра “яшил” (жиноят содир этилмаган ёки кескин камайган), “сариқ” (жиноятчилик ошиши хавфи мавжуд бўлган) ва “қизил” (криминоген вазият оғир бўлган) тоифаларга ажратиш амалиёти куч ва воситаларни энг хатарли нуқталарга манзилли йўналтириш имконини бермоқда. Бундан ташқари, жойларда жорий этилган “Маҳалла еттилиги” тизими профилактика инспекторлари, МФЙ раислари, ҳоким ёрдамчилари, хотин-қизлар фаоллари, ёшлар етакчилари, солиқ инспекторлари ва ижтимоий ходимларни ягона мақсад йўлида бирлаштирди. Ушбу кўп субъектли ҳамкорлик тизими жиноятчиликнинг оқибатлари билан эмас, балки унинг илдизига етиб бориш, яъни ишсизлик, оилавий низолар ва ижтимоий муҳтожлик каби сабабларни бартараф этишга хизмат қилмоқда. Шу билан бирга, вилоятда ташкилий-техник тадбирлар кўлами ҳам кенгайиб, криминоген вазияти оғир маҳаллаларда электрон кузатув масканлари, кўчаларда интеллектуал камералар ва “SOS” (тезкор ёрдам чақириш) қурилмаларини босқичма-босқич ўрнатиш, қўшимча патруллик йўналишларини жалб этиш амалга оширилмоқда.

⁷ Сирдарё вилоятида жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш фаолиятини ташкил этиш методикаси: Методик қўлланма. – Т.: ЎзР ИИВ Академияси, 2024. – 1.1-§.



Бироқ, яратилган ушбу тизим ва кўрилаётган чораларга қарамасдан, Сирдарё вилоятининг ўзига хос географик ва ижтимоий-демографик хусусиятлари жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасида қатор долзарб муаммолар ва ўзига хос хавф-хатарларни ҳам юзага келтирмоқда.

Биринчидан, вилоятнинг транзит мақоми билан боғлиқ муаммолар долзарблигича қолмоқда. Худуд орқали ўтувчи халқаро аҳамиятга эга автомобиль йўллари (хусусан, М-39 ва бошқа магистраллар) ва чегараолди худудларининг мавжудлиги нафақат оғир оқибатли йўл-транспорт ҳодисаларининг кўп содир бўлишига, балки “гастролёр” (четдан келиб жиноят содир этувчи) шахслар томонидан амалга ошириладиган ўғрилик, фирибгарлик ва контрабанда каби жиноятларнинг ортишига замин яратмоқда. Бу эса ички ишлар органларидан нафақат стационар худудларни назорат қилишни, балки ҳаракатланувчи оқимлар устидан тезкор-кузатув ишларини кучайтиришни талаб этади.

Иккинчидан, аҳоли бандлиги ва мулкий жиноятлар ўртасидаги узвийлик. Вилоятда ишсизлар ва профилактик ҳисобда турганларнинг муайян қисми ижтимоий ҳимояга мухтож қатлам бўлиб, уларнинг даромад манбаи йўқлиги сабабли ўзгалар мулкани талон-торож қилиш, ўғрилик ва майда безорилик жиноятларига қўл уриш ҳолатлари кузатилмоқда. Айниқса, сўнгги йилларда ахборот технологиялари орқали содир этилаётган кибержиноятлар (банк карталаридан пул ечиб олиш, интернет фирибгарлиги) вилоят аҳолисининг ҳуқуқий ва рақамли саводхонлиги етарли эмаслиги оқибатида янги ва мураккаб муаммога айланди.

Учинчидан, оилавий-маиший муносабатлар доирасидаги ҳуқуқбузарликлар ва ёшлар ўртасидаги жиноятчилик. Аҳоли таркибида ёшларнинг салмоғи юқорилиги ҳамда айрим оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳитнинг носоғломлиги туфайли вояга етмаганлар ўртасидаги тартиббузарликлар, шунингдек, аёлларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатлари учраб туради. Бу эса “Маҳалла еттилиги” олдида оилавий ажримларнинг олдини олиш, низоли оилалар билан ишлаш ва виктимологик (жабрланувчи билан ишлаш) профилактикани янада такомиллаштириш вазифасини кўндаланг қўяди.

Хулоса қилиб айтганда, Сирдарё вилоятида жамоат тартибини сақлашнинг ташкилий ўзига хослиги маҳалла даражасига асосланган, криминоген ҳолатга кўра табақалаштирилган ва кўп субъектли ҳамкорликка таянган ёндашувда намоён бўлади. Аммо, вилоятдаги жамоат



хавфсизлигининг бугунги ҳолатини объектив баҳолаш ва мавжуд долзарб муаммоларни ҳал этиш учун жиноятчиликнинг криминалогик таҳлили ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Криминалогик фанда жиноятчиликнинг миқдор ва сифат кўрсаткичлари ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлиб, улар тўрт асосий элемент – жиноятчиликнинг ҳолати, даражаси, тузилиши ва динамикаси орқали ўрганилади. Ушбу кўрсаткичлар нафақат қуруқ ҳуқуқбузарликлар статистикасини, балки ҳудуднинг юқорида қайд этилган транзит, демографик ва ижтимоий-иқтисодий реаллигини ҳамда аҳолининг ҳақиқий хавфсизлик даражасини акс эттиради. Бу эса келгусида Сирдарё вилоятининг ўзига хос шароитига мослаштирилган, замонавий ва манзилли профилактик дастурларни ишлаб чиқиш учун энг мустаҳкам илмий-амалий база бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар:

- 1.Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг ички ишлар органлари ходимлари билан жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишидаги нутқи // "Халқ сўзи" газетаси, 2021 йил 12 февраль. Шунингдек, қаранг: Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: "Ўзбекистон" нашриёти, 2021. – Б. 175-176.
- 2.Сирдарё вилоятида жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш фаолиятини ташкил этиш методикаси: Методик қўлланма / С.Б. Джаббаров, Б.А. Ражабов, Т.Р. Кучкаров ва бошқ. Масъул муҳаррир: Р.А. Хатамов. – Т.: ЎЗР ИИБ Академияси, 2024. – 1.1-§.
- 3.Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг ички ишлар органлари ходимлари билан жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишидаги нутқи // "Халқ сўзи" газетаси, 2021 йил 12 февраль. Шунингдек, қаранг: Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: "Ўзбекистон" нашриёти, 2021. – Б. 175-176.
- 4.Сирдарё вилоятида жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш фаолиятини ташкил этиш методикаси: Методик қўлланма / С.Б. Джаббаров, Б.А. Ражабов, Т.Р. Кучкаров ва бошқ. Масъул муҳаррир: Р.А. Хатамов. – Т.: ЎЗР ИИБ Академияси, 2024. – 1.1-§.
- 5.Сирдарё вилояти тарихи: Монография. Тузувчилар: Эрбўтаева Ў.С., Ўрмонов Ҳ.Б., Турсинкулов Н.А. – Гулистон: ГулДУ, 2020. – 416-б.
- 6.Сирдарё вилоят ИИБ Жамоат хавфсизлиги хизматининг маълумотномаси.



7.Сирдарё вилоятида жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш фаолиятини ташкил этиш методикаси:

Методик қўлланма. – Т.: ЎзР ИИБ Академияси, 2024. – 1.1-§

8.[https://uz.wikipedia.org/wiki/Sirdaryo_\(viloyat](https://uz.wikipedia.org/wiki/Sirdaryo_(viloyat)

9.[https://uz.wikipedia.org/wiki/Sirdaryo_\(viloyat](https://uz.wikipedia.org/wiki/Sirdaryo_(viloyat)



WOC
WORLD
ONLINE
CONFERENCES

